



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil

9-iyul

payshanba

№ 23 (4461)

Postda На посту

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz


ЧЕГАРА ҲУДУДЛАРДА

ОЛИС СҮХДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР



...Сўх тумани Қирғизистоннинг Ботқен вилояти ҳудуди билан ўралган. Сўх аҳолиси ва майдони жиҳатидан дунёдаги энг катта эксклав ҳисобланади.

Майдони 352 км².



4

МУНОСАБАТ

ХОЛИС БЎЛАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан тили қисиқмас,
Чегарадир фақат инсоф ва виждан.


Абдула ОРИПОВ

Оддий инсоннинг мураккаб, қалтис вазиятларда ўзини тута олмай, эҳтиосларга берилб, нохолис фикр билдириб қолишини тушунса бўлади. Фақат бу ўша одам ҳақ дегани эмас. Аммо айтадиган сўзи жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиши мумкин бўлган шахслар бирор воқеа-ходисага баҳо беришда ниҳоятда оғир-босиқ, холис бўлишлари лозим. Чунки жамоатчик онгида дастлаб ҳосил бўлган тушунча, тасаввур ёки ҳулосани кейин ўзгартириш ниҳоятда мушкул.

Андижонда Ички ишлар бўлими маъмур биносида А.Абдукаримовнинг ноқонуний ушлаб турилганлиги ва бошқа ғайрихуқуқий ҳолатлар бўйича ижтимоий тармоқларда фуқароларимиз ва давлат идоралари масъул ходимлари томонидан билдирилган муносабатларни ўқиб беихтиёр шу фикр хаёлдан утади.

(Давоми 3-бетда).

СВЕТОФОР ЎРНАТИЛСА...



НИГОХ

– Мен ишга Қорасув даҳасидан қатнайман. Эрталаб шаҳар марказига келаверища кўпинча З қаватли кўпикнинг айланга йўл тарзидаги чорраҳа кесишмасида тирбандликлар юзага келмоқда. Бунинг олдини олиш учун ҳайдовчиларимиз йўл-ҳаракати қоидала-рия қилиб, бир-бирини ҳурмат килган ҳолда автомобилини бошкарса, чорраҳа кесишмадаги тирбандлик анча камайган бўлармиди, деб ўйлайман...

– Ҳизр акалар, биз бирор шошайтсан эдик.

ҲАФТА
ҚАҲРАМОНИ



Катта лейтенант Бекзод Дусматов 1988 йилда Тошкент вилояти Бекобод туманида туғилган.

2008–2009 йилларда ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида таҳсил олган. 2009 йилда

Зангигита туманидаги манзил колониясида хизмат фаолиятини бошлаган. Интилувчан ва изланувчан ходим 2010 йилда олий таълим олиш ниятида ИИБ Академиясига ўқишига кириб, 2014 йилда муваффакиятли тамомлайди.

Шундан кейин Бекобод шаҳар ИИБ ҲПБ профилактика инспектори, 2017 йилдан ЖҚБ тезкор вакили ва 2019 йилдан ҳозирги кунга қадар Бекобод шаҳар «Пахтакор» ва «Ёшлик» МФГига хизмат кўрсатувчи 40-сонли ИИО таянч пункти профилактика катта инспектори лавозимида фаолият юритиб келаётган қаҳрамонимиз оиласи, икки нафар фарзанди бор.

(Давоми 8-бетда).

ТУВ ИСЛОҲОТЛАР

... Рости, доим янтоқ босиб ётадиган, қиёфаси ярим аср ўзгармай турган бу гўшада қатор-қатор кўп қаватли уйлар курилиши, замонавий корхоналар қад ростлашини тасаввур қилиш қийин эди...

ВИЖДОН АМРИГА
ҚУЛОҚ ТУТИБ...

Фуқаро ходимга 10 000 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилди. Нима учун?

НЕОБЫЧНОЕ
ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ

Лошади закупаются в возрасте от 3 до 5 лет, затем полтора года проходят обучение в группе. Наиболее подготовленные сотрудники готовят их к службе...

11



ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ
ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

... Третъекурсник 131-й группы Улугбек Азомджанов победил в дисциплине «экономическая теория», набрав 98 баллов из 100 возможных, правильно ответив на 49 вопросов из 50...

XOVOS TUMANI

5

8

18

ҚОРОВУЛ ҚҮШИНЛАРИДА

Яқында ИИБ Қоровул қүшинларыда ҳарбий қисм ҳамда батальон командирларының тарбияйиши мағфуравий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда тарбияйиши мағфуравий ишлар бўйинчаликни бошлиқлари иштироқида ўкув-услубий йигин бўлиб ўтди.

Мазкур йигин тарбиячи офицерларни саф кўргидан ўтказиш билан бошланди.

Машгулотлар чоғида мазкур соҳага оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш борасида назарий ва амалий тушунчалар берилди. Ўкув йигини ишти-



ТАДБИР

ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТИ ТАРАФДОРЛАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ДХХ ва ИИБ ходимлари ҳамкорлигига Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудларида «Антитеррор» тадбири ўтказилди. Тадбир давомида яширин фаолият олиб борган «Тавхид ва жиҳод катибаси» халқаро террористик ташкилотига алоқадор бўлган гурӯхлар тарафдорлари фош этилиб, қўлга олинди.

Дастлабки тўпланган маълумотларга кўра, улар ҳозирда Суриядаги «Тавхид ва жиҳод катибаси» халқаро террорчилар ташкилоти сафида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 2001 йилда Тошкент шаҳрида туғилган А.Абдуқаҳхоров ва унинг раҳнамолари ғоявий таъсирига тушиб, интернет орқали экстремистик мазмундаги видеороликларни муҳокама килишган. «Хижрат» ва «жиҳод» амалларини бажариш мақсадида Сурияга чиқиб кетишини режалаштиришган.

Таъкидлаш жоизки, террорчилар ташкилотига алоқадорликда гумон қилинб қўлга олинганларнинг уч нафари мұқаддам терроризм ва экстремизм йўналишида жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаб чиқсан шахслардир. Афуски, улар бундан ўзига тегишли

хулоса чиқармасдан, фаолиятини қайта тикишга уринишган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244²-моддаси 1-қисмига асосан қўзғатилган жиноят иши доирасида Тошкент шаҳрининг Олмазор, Учтепа, Чилонзор, Яккасарой, Сирғали туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудидаги 25 та манзилда тинтуб тадбирлари ўтказилиб, 25 нафар шахс ушланди. Уларнинг яшаш манзилларидан жиноятга алоқадор бўлган ашёвий далиллар топилиб, қонуний тартибда расмийлаштириб олинди.

Ҳозирда тергов-суринширув тадбирлари давом этмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, «Тавхид ва жиҳод катибаси» халқаро террористик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқланган ташкилотлар рўйхатига киритилган.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Навоий вилояти ИИБ ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигига эҳтиёж-манд оиласларининг турмуш шароитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи, режалаштирилаётган лойиҳалар асосида яратилаётган иш ўринлари ва келгусидаги вазифалар ҳусусида йигилиш ўтказилди.

Йигилишни вилоят ИИБ бошлиғи полковник Р. Турсунов очиб, барча шаҳар-туман ичи ишлар бўлими раҳбарлари коронавирус пандемияси даврида эҳтиёжманд оиласларга моддий кўмак бериш, камбағалликни қисқартириш борасидаги фаолиятни тўғри ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Вилоятнинг ҳокимининг 1-ўринбосари О. Ҳасанов эса сектор раҳбарлари камбағал аҳолини оиласлав тадбиркорлик дастурлари оиласи, ҳусусан, хунар-

манчиллик соҳасида фаолиятни ўйлга кўйиш, жамоат ишларига жалб қилиш, томорқа ҳўжалигида ва бошқа соҳаларда ўзини ўзи банд қилиш, инвестиция лойиҳалари доирасида саноат ва хизмат йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ишга жойлаштириш, галладан бўшаган ерларда тақорорий экин экиш хиобига бандлини таъминлаш оиласи камбағалликни қисқартириш мумкинligини таъкидлади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг инвестиция масалалари бўйича ўринбосари К. Ҳасанов мавзу доирасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирид. З-сектор раҳбари томонидан йигилиш қатнашчиларига ҳудудлардаги ижтимоий кўмакка муҳтож оиласларга ёрдам бериши мақсадида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини янада кенг миқёсда ўйлга кўйиш, фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида тизими

чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида кўрсатмалар бериб ўтилди.

Йигилиш якунидаги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиб, жиноятчиликнинг барвакт олдини олиш, ҳуқуқбузарларлар профилактикаси йўналишида кўйилган талабларни сўзсиз бажариш, бириктирилган ҳудудларда аҳоли бандлиги ва фаронлигини таъминлаш, З-секторлар кесимида камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оиласларга манзилли ёрдам кўрсатиш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликни кўллаб-куватлаш, ходимлар томонидан хизмат интизоми ҳамда қонунчиликка риоя этилиши борасида қатор вазифалар белгилаб олинди.

Навоий вилояти
ИИБ Ахборот хизмати.

МАҚСАД – ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

рокчиликарининг жанговар тайёр гарлик, маънавият ва маърифат дарсларини қанчалик ўзлаштирганини билиш мақсадида тест синовлари ўтказилди. Шунингдек, тарбиячи офицерлардан жисмоний тайёргарлиги бўйича ҳам синов имтиҳонлари қабул қилинди.


Бундан ташқари, йигин иштирокчиларининг маданий ҳордиқ

чиқаришларини таъминлаш мақсадида комендантлик хизмати батальони муддатли ҳарбий хизматчилиари томонидан «Китобхонлик кечаси», «Тимбилдинг» жамоавий ўйини ҳамда ИИБ Қоровул қўшинлари ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

Шунингдек, офицерларнинг маънавий салоҳиятини ошириш ва дунёкарашини янада кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, у ерда ҳалқимизнинг машҳур шоир ва ёзувчиларининг бой маънавий мероси ёдга олинди.

Бу каби ўкув йигинлари тарбиячи офицерларнинг келгусидаги хизмат самараадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлиши шак-шубҳасиз.

Умид ТОЖИЕВ,
капитан.
Сержант Илҳом ЭГАМБЕРДИЕВ
олган суратлар.



ИИБ Жиззах академик лицейида вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарлар профилактикаси бошқармаси тизимида 20 нафар фуқаронинг ички ишлар органларига қабул қилиниши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда хизматга қабул қилинган ҳодимлар, уларнинг ота-оналари ҳамда тажрибали профилактика инспекторлари қатнашди.

ОСОЙИШТАЛИККА КАМАРБАСТА ЙИГИТЛАР

Тадбирда юртимизда жамоат ҳавфзилигини таъминлаш, ҳусусан, Президентимизнинг жорий йил 18 февралдаги фармони асосида Жиззах вилоятида «Обод ва ҳавфзиз маҳалла» тамойилини ҳётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Шунингдек, хизматга қабул қилинган профилактика инспекторлари тажрибали ҳодимлар мураббий этиб бириктирилиб, уларга хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий амал қилиш юзасидан тушунтиришлар берилди.

– Бугун ҳаётимдаги энг қувончи кунлардан бири, – деди Пахтакор туманида яшовчи Хайринисо Холмиззаева. – Чунки ўғлим Шоҳжаҳон Бойбўтаев отасининг

изидан бориб, ички ишлар орғанлари ҳодимлари сафига олмоқда. Қилинган профилактика инспекторлари тажрибали ҳодимлар мураббий этиб бириктирилиб, уларга хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий амал қилиш юзасидан беҳад мамнунман.

Хизматга қабул қилинган профилактика инспекторлари бир ой давомида ИИБ Жиззах академик лицейида касб сирларини мукаммал ўзлаштириши. Бу жараба номзодларнинг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги янада оширилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбари.
Жиззах вилояти.

МУНОСАБАТ

ХОЛИС БҮЛЛАЙЛИК, АЗИЗЛАР!

(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

Уларнинг баязилари ички ишлар органлари тизимида испоҳотлар ўтказишни таъкидлаётганликлари ҳам ачинадир. Сабаби, тизимда сўнгги уч ўйл ичидаги амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни барча кўриб-билиб турибди.

Аҳолининг ички ишлар органлари мурожаат қилиш учун узоққа катнашига чек қўйиш мақсадидаги жойларда ички ишлар бўйламилари сони кўпайтирилди. Энди фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги ИИБга мурожаат этиб, турли муаммоларни ҳал киляти. Оптималлаштириш жараёнидан бошқарув аппаратларириш жараёнидан бошқарув сонининг қискариши хисобига куйи бўғинда бевосита аҳоли билан ишлайдиган ходимлар сони ортди.

Зарур бўлганда, миграция ва фуқароликини расмийлаштириш ҳизмати ходимлари имконияти чекланган фуқароларнинг уйларига бориб, уларга паспорт расмийлаштириб топширяти. Хотин-кизлар масалалари бўйича инспекторлар уйма-үй юриб, аёлларнинг аҳволини, муаммоларини ўрганинти, уларга касб-хунар эгаллаш, ишга жойлашиш ва зўравонлиқдан химояланинда амалий ёрдам кўрсатапти.

Профилактика инспекторларнинг ҳизмати ҳудудида истиқомат қилаётгани нафақат уларнинг ўзига, шунингдек, аҳолига ҳам кулай. Махаллада, қайсидир хонадонда вақти бемахал бирор кор-хол юз берадиган бўлса, инспектор дархол воея жойига этиб боряпти. Мисол учун, Сардобада юз берган оғатдан биринчилар каторида фуқароларни огоҳ этиб, уйларидан чиқарган ҳам ички ишлар органлари ходими эдику.

Жамоат тартибини саклаш бўйича пойтахтимизда тажриба тариқасида жорий этилган тизим эндилиқда республикамизнинг бошқа шахарларига ҳам ёйилди. Унга кўра, тунги пайтда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимларининг биргаликда патруллар қилиши кунайтирилган. Бундан шахкимиз мамнун. Чунки одамлар туннинг исталган пайтида кўча-кўйда ўзини бехавотир ҳис этади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳизмати фаолиятида видео кайд этиш воситаларидан, бодикамералардада кент фойдаланимомда. Бу эса инсон омилини камайшига олиб келмоқда. Шунингдек, ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатининг олини олиш баробарида, айрим фуқароларнинг соҳа ходимларига тухмат қилишига чек қўйишмоқда. Тизимда юз берган янгиликларни санаашда яна давом этиш мумкин. Нима, булар испоҳотларнинг реал ифодаси эмасми?

Яна баязилар ички ишлар органларининг ҳисобдорлигини ошириш керак, дейишяпти. Улар соҳада ҳисоб берниши тизим аллақачон йўлга кўйилганидан бехабар, шекилли. Шахар-туман ички ишлар органлари раҳбарларидан тортиб то вазиргача ҳалқ вакиллари олдида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳисобот бернишибди-ку. Ёки айримлар бу тадбирларни хўжакўрсинга ўтказилияпти, деб ўйлашадими? Бу билан соҳа раҳбарлари номига ҳисобот беради, дейишмоқчими ёки депутатлар, сенаторлар ҳисоботларни хўжакўрсинга эшишишади, деган фикрдамишлар?

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмайди. Ҳамма соҳада ҳам, ҳатто катта лаво-

зимларни эгаллаш турганлар орасида ҳам виждонсиз, локайд, манфаат-параст, пораҳўр, қонун-қоидаларни писанд қўлмайдиган кимсалар учраб туради. Одамнинг оласи ичидаги бўлади.

Катта миқдорда пора олаётганида кўлга тушган бошқа бир ҳуқуқ-тартибот идораси ходими ёки ҳоким мувониби бир думалаб мансабдор шахс бўлиб қолмаган-ку. У ҳам мана шу даражага этиб келгунича мингта чириқидан ўтган. Бундай тили бошқо дили бошқа кимсалар керак бўлса ёғлонни аниқловчи детектори - полиграфни ҳам алдай олади. Шундай экан, «Бирники мингга, мингники туманга» қабилида иш тутиш, айрим номуносиб ходимларни деб бутун тизими ёмон-отликка чиқариш инсофдан бўлмас.



Андижонда юз берган нохуш, фожиали ҳолатга муносабат билдирилганлар орасида барча ҳуқуқни муҳофиза қиливчи идораларнинг терлов ҳизматларини бирлаштириб, алоҳида Терлов қўмитаси ташкил этишини таклиф килганлар ҳам бор. Вақтида Қозоғистонда ҳам бундай тажрибага кўйилинган. Тажриба ўзини оқламаган кўринидики, кейин яна ҳаммаси ўз ҳолига қайтирилган. Россия Федерациясида эса Баш прокуратуранинг Терлов ҳизмати алоҳида Терлов қўмитасига айлантирилган. Ички ишлар вазирлиги ҳамда Федерал ҳавфсизлик ҳизматидаги эса терлов бўлинмалари ўз фаолиятини давом этитиришади. Бунинг ижобий жиҳатлари жуда кўп. Энг асосийси, терлов ҳизмати ва тезкор бўлинмалар самарали ҳамкорлик қилади.

Бир тизим таркибида ички ҳизмати ходимлари ўзаро тил биринчириб, жиноятни фош этишда қўйноқса солиш, тазийи ўтказиш каби ғайриинсоний, ноқонуний усусларни кўллашади, деб ҳисоблагдиганларга бир савол: улар иккита тизимда бўлганида ўзаро тил биринчиришаслигига ким кафолат беради? Бунақада депутатларга ҳам, ҳокимлик вакилларига ҳам, бошқа идоралар ходимларига ҳам ўз манфаатлари йўлида ўзаро тил биринчиришлари мумкин деб гумон билан қараш керак экан-да. Шўбха бандасига айланмасдан, одамларга ишонсин лозим. Қонун доирасидан чиқадиганларни эса назорат қиладиганлар бор.

Ички ишлар органлари ходимларининг имтиёзлари баязилар ўйлагандар у қадар кўп эмас. Ипотека кредитлари назарда тутилаётган бўлса, бу борада имтиёзлардан фойдаланаштганлар тоифаси кўй. Пенсияга эрта чиқиши бўйича, аксинча, имтиёзлар камай-

тирилган. Илгари пенсияга чиқиши учун соҳадаги умумий стаж 20 йил бўлиши етари эди. Энди эса календар 20 йил бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Тўғри, сафодлар, сержантлар ва офицерлар таркиби зарур иш стажига эга бўлса, 55 ёшдан пенсияга чиқиши мумкин. Бунда соҳада ҳизмат килишнинг ниҳоятда машақатли эканлиги хисобга олинган. Карантиндан оддин аксар давлат идораларида иш вақти саккиз соатлиги таъкидланиб, ходимлар иш вақти тугаси билан ўйга кетарди. Лекин ички ишлар органларининг кўпигина соҳавий ҳизматларни ходимларни бу тартиб-қоидаларга риоя қила олган ўйк.

Майли, мамлакатимиз ҳудудига сукилиб киришга уринган, юртимиз ичидаги террорчилар ҳаракатлари соҳидир этган кимсаларга қарши курашиб чоғида ҳалок бўлган ҳаммасбларимиз ҳақида гапириб ўтирамай. Соҳа вакилларининг кундаки ҳизмати, оддий иш кунлари ҳам машақатга, турли хавф-хатарларга тўла. Ҳизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимлар ҳақида туркум маколалар, китоблар ёзилган, телекўрсатувлар килинган ва фильмлар суратта олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Тўртқўл тумани ИИБ ҲТБ профилактика инспектори, лейтенант Самат Заиев 2018 йил 25 февраль куни жиноятчани ушлаш вақтида бошидан олган жароҳати туфайла вафот этган.

Жиноятчи кимсалар Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, лейтенант Нозимжон Нишонбоевни 2005 йил 6 июль куни ҳизмат хонасида қалтаклаб ўлдиришади. Шу вилоятнинг Асака шаҳар ИИБ ходими, катта сержант Рўзиев Парпиевни 2008 йил 6 июль куни фуқаро И. Алимов отиб ўлдириди. Рўзиевнинг беш фарзанди отаси қолади.

Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХБ маҳсус отряди кинологи, сержант Абдурашид Умрзоев 2013 йил 26 ноёбрь куни кидирувда бўлган хавфли жиноятчани ушлаган вақтида, жиноятчи томонидан кўксига санчилган тиф жароҳатидан шифохонада вафот этади.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрон тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант Шерали Айтагонов 2010 йил 15 октябрь куни пахта майдонида мол боқиб юрган фуқаро Б. Махсумкуловга нисбатан тегиши ҳужжатларни расмийлаштираётган вақтда кўлида бўлган белкүрак билан унинг бошига урган, инспектор эса олган жароҳати натижасида вафот этган. Вилоятнинг Шўрчи тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, кичик лейтенант Алиқул Сафаров 2004 йил 16 июль куни маҳалла пособни Б. Бомбуровдек билан қидирувда бўлган шахсни кўриб колиб, уни ушламоқчи бўлади. Хавфли жиноятчи қўлидаги пичоқни инспекторнинг кўксига икки маротаба саншиб, унинг ҳаётига зомин бўлди.

Хар бир вилоятдан, пойтахтимиздан бунга ўхшаш яна кўплаб мисоллар келитириш мумкин. Биз бу гапларни миннат қилиш учун гапирмаямиз.

Сабаби, ўзимиз юрак амри билан шу соҳани танлаганимиз. Лекин минглаб ҳаммасбларимиз жонини хатарга кўйиб, фидойлилар билан ҳизмат килаётган шу кунларда сафимизга кирб олган уч-тўртта номарду нокасни деб бутун соҳа ходимларини эл қўзида ёмонотликка чиқаришга уринишса, кишига алам қиласкан.

Юртошларимизга ички ишлар органлари ходимларни шу элу юртнинг тинчли осойишталиги йўлида жонини курбон қилишга ҳам тайёрлигини яна бир бор айтишини лозим топдик. Буни ҳар доим жасоратию матонати билан исботлаб келишяпти. Ихтимой ҳимоя чоралари ҳам, мукофотлар ҳам ўз йўлига. Лекин биринчи галда ҳизматимиздан халқимиз, Президентимиз рози бўлсин деймиз. Ана шунинг ўзи биз учун энг катта мукофот.

**Бернора САДИКОВА,
полковник.**

ЧЕГАРА ҲУДУДЛАРДА

ОЛИС СҮХДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР



Фаргона вилоятининг ажралмас бир қисми – пурвиқор тоглар билан ўралган Сўх тумани халиқга давлатимиз раҳбарияти алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. Айниқса, шу кунларда Президентимиз топшириғига асосан туманни ҳар томонлама тараққий эттириш йўлида изил саъй-ҳаракатлар янада кўчайтирилди.

Маълумки, Сўх туманига бориш учун кўшини Кирғизистон Республикаси орқали 80 километр масофани босиб ўтиш зарур. Каантин туфайли икки давлат фуқароларининг ҳаракатланиши учун чегаралар ёпилган бўлса-да, туманга юк автомашиналари мунтазам қатнашмоқда. Вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан бошқа ҳудудларда қолиб кетган фуқаролар ўз яшаш манзилларига олиб келинди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари, курилиш материаллари, дори-дармон ва бошқа зарур буюмлар ортигандаги кўмак қарвонлари жўнатилди.

Чашма булуғ билан боғлиқ мажародан сўнг Бош вазиримиз бошлигидаги ҳукumat комиссияси зудлик билан туманга келиб, вазиятни барқа-



рорлаштиришга эришди, – дейди Сўх тумани ҳокими Сайдбаҳром Сайдимусаев. – Барча вазириклар туманимиздаги ҳар бир маҳаллада уйма-уй юриб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ўрганди. Ахолининг дардини эшитди. Шунга кўра дастур ишлаб чиқилди.

Маълумот учун айтиш зарурки, Сайдбаҳром Сайдимусаев ҳоким вазифасига тайинлангунга қадар туман ИИБ бошлиғи вазифасида хизмат қилаётган эди. Демак, унга яна ишонч билдирилди, зиммасига кўшимча масъулият юкланди.



Туман ҳокимининг маълум қилишича, бу ерда яшовчилар асосан боғдорчилик, дехқончилик ва ҷорвачилик билан шуғулланади. Коронавирус пандемияси туфайли туманда 14 мингга яқин аҳоли ишсиз қолган эди. Биринчи навбатда,

уларни иш билан таъминлаш, даромад топшишига кўмаклашиш бўйича иш олиб борилмоқда. 500 нафардан ортиқ сўхликлар «Tashkent city» курилиш объектларида иш билан таъминланмоқда.

Шу кунларда Фаргона вилоятидаги барча ташкилот ва бошқармалар вакиллари Сўх туманида бўйиб, аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 500 нафардан зиёд сўхликлар таълим, тибиёт, коммунал соҳаларига ишга жойлашди.

кент педиатрия тибиёт институтидан 15 нафар тажрибали мутахассис Сўхга келиб, айни кунларда улар маҳаллаларда аҳолини тибиёт кўриқдан ўтказишишти. Шунингдек, туман тибиёт бирлашмасига рақамил рентген аппарати, УЗИ, ЭКГ каби замонавий жиҳозлар ва дори-дармонлар келтирилди.

«Фарғона ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ҳам Сўх туманида «Йўл ҳаритаси»да белгиланган ишларни бажаришга киришди. Электр энергияси таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш, тармоқларни янгилаш ва модернизация кишил мақсадида 16 та ҳар хил кувватдаги трансформатор, 79 километр СИП кабеллар, 82 та темир-бетон таянч, 2 тонна очиқ сим, 1254 та изолятор, турли химоя воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар, ускуналар келтирилди. Бу туманда электр энергияси таъминотини янада яхшилашда мухим ўрин тутади.

Маълумки, 2021 йилдан МДҲга аъзо давлатларга чиқиш факат хорижга чиқиш биометрик паспорти билан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, туман аҳолисига қулалийк яратиш мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан туманда Хорижга чиқиш паспортини расмийлаштириш сайёр хизмати фаолияти йўлга кўйилди. Республика ягона бўлган, тажриба тарикасида жорий этилган ушбу сайёр хизмат тури «Газель» русумли автомобили таркибида жойлаштирилган бўйиб, барча зарурӣ техник курилмалар билан жиҳозланган.

Энг асосийси, қулалийдан барча фуқаролар миннатдор. Албатта, бу каби кенг кўламли саъй-ҳаракатлар Сўх аҳолисининг турмуш фароновлининг яхшилашга, ҳудудда жинонга ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга ва кўшини Кирғизистон халқи билан ҳамхижатлини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Абдувосит СИДИКОВ,

«Postda» муҳбири.

Фарғона вилояти.



БИЛАСИЗМИ?

Анклав ва эксклав атамалари бир давлат таркибида кирувчи, лекин бошқа бир давлат майдонлари билан ўралган ҳудудларга нисбатан ишлатилади. Бундай ҳудуд А давлатга тегиши бўлиб, Б давлат ҳудудида жойлашган бўлса, унда А давлат учун эксклав, Б давлат учун эса анклав ҳисобланади. Бундай ҳудудларнинг пайдо бўлиши, асосан мамлакатлар ўтрасида ўтказиладиган демаркация ва демаркация жараёнларига боғлиқ.

Сўх

Сўх тумани 1942 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР таркибида мавжуд бўлиб, кеинчалик Риштон туманинг худудига киритилган. 1990 йил 27 февраль куни Сўх туманинг қайта ташкил этилади. Маймурӣ маркази Равон шаҳарасида жойлашган.

Туман Кирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудуди билан ўралган. Сўх аҳолиси ва майдони жиҳатидан дунёдаги энг катта эксклав ҳисобланади. Майдони 352 км².

Шоҳимардон

Шоҳимардон эксклави ҳам Фарғона вилоятининг ҳудуди ҳисобланаби, Фарғона тумани таркибида киради, Кирғизистоннинг Боткен вилояти ҳудуди билан ўралган. Турли маълумотларга кўра, аҳолиси 5 мингдан 10 минг кишигача. Майдони 90 км².

Чўнгара

Чўнгара қишлоғи 2018 йил Риштон тумани ҳудудидан Сўх тумани ҳудуди-



га киритилган. Қишлоқ Сўх дарёси соҳилининг ўнг томонида жойлашган. 2018 йилги маълумотларга қараганда, қишлоқ аҳолисининг сони 1300 киши атрофида бўлган, майдони 261 гектар.

Жангайл

Ушбу эксклав ҳудуди Боткен вилояти ҳудудида жойлашган. Маймурӣ тузилиши жиҳатидан Фарғона туманига қарайди. Эксклав майдони

1 км² дан кичикроқ. Баъзи маълумотларга кўра, эксклав ҳудуди деярли ҳеч ким истиқомат қиласди.

Бундан ташқари, бошқа давлат таркибида кирувчи, лекин Ўзбекистон ҳудуди билан ўралган анклав ҳудудлар ҳам мавжуд: Кирғизистон таркибида кирувчи **Барак** қишлоғи Андижон вилоятининг Кўргонтепа тумани ҳудудида жойлашган. Тожикистоннинг Сўйд вилояти ҳудудига кирувчи **Сарвак** анклави Наманган вилояти Поп тумани ҳудуди билан ўралган.

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

ТУБ ИСЛОҲОТЛАР

одамларнинг дунёқарашида, кундалик ҳаётида ўз аксини топаётир

Йўлингиз Сирдарё вилоятига тушса, Ховос томонларга албатта боринг. Бугун чўл ва тог ёнбағирларидан иборат туман худудининг буткул ўзгариб кетганини, янги уйлар қад ростлаганини, кенг ва равон кўчалар барпо этилганини, замонавий ишлаб чикариш корхоналари иш бошлаганини кўриб ҳайратланингиз аниқ.

Тумани Самарқанд ва Кўқон билан боғлаб турадиган Ўзбекистон катта тракти кесиб ўтади. Шу йўлдан уч-тўрт йил ўтмаган киши энди келса, адашиб, «Қаерга келиб қолдим» деб, ўзига савол бериши тайин. Рости, доим янтоқ босиб ётадиган, қиёфаси ярим аср ўзгармай турган бу гўшада қатор-қатор кўп қаватли уйлар курилиши, замонавий корхоналар қад ростлашини тасаввур қилиш кийин эди.

Бундан уч йил олдин Президентимизнинг Ховосга ташрифи давомида туманинни ривожлантириш истиқболлари режалаштирилиши, кўп қаватли уйлар курилиши бошланган эди. Шу таріқа, Йигирмага яқин кўп қаватли уйлар, спорт саройи, стадион, бозор, маъмурий бинолар, маданият ва санъат масканлари қад ростлади. Эътиборлиси, буларнинг барчаси жуда қисқа вақт ичидаги бунёд этилди.

– Фуқароларимизнинг дунёқарashi ҳам шунга мос равишда ўзгариб боряпти, – дейди туман ИИБ бошлиги, подполковник Акбар Эгамназаров.
– Бундан уч йил олдин одамларимида боқимандалик, дангасалик ҳолатлари кўп учарди. Доимий мулоқотимиз орқали уларнинг тадбиркорликка, ишбилармонликка бўлган



иштиёқини оширидик. Шу сабаблими, жорий йилнинг ўзида биргина З-секторда томорқадан унумли фойдаланиш даражаси бир неча баравар ошиди. Йигирмадан ортиқ фуқарога шахсий томорқасида иссиқхона куриш учун субсидия берилди.

Дарвоҷе, З-сектор таркибида 7 та маҳалла бор. Йигрма мингга

яқин аҳоли истиқомат қиласи. Аҳолининг ярми чорвачилик, ярми дәхончилик билан шуғулланади. Сектор ишчи гурӯхи томонидан ўрганилган муаммолар, мурожаатлар асосида йўллар, кўпприклар таъмирланди. Янги ижтимоий обьектлар барпо этилди. Газ қувуллари, сув тармоқлари тортилди. Айниска, Ховособод маҳалласи буткул ўзгари.



Сектор раҳбарияти саъй-ҳаракати билан мазкур маҳалладаги иккى километрга яқин йўл асфальт билан қопланди. 26 километр ички йўлларга шагал ётқизилди. Симёғочлар, трансформаторлар алмаштирилди. Маҳалланинг ўз ўринга мўлжалланган клуби, 12 та иккى қаватли уй замонавий таъмирланди. Мактаб янги қиёфа касб этиди.

Бугун сектор ҳудудидаги иссиқхоналарда етиштирилётган маҳсулотлар четта муваффақиятли экспорт қилина бошланди. Тадбиркорларга 2 миллион доллардан ортиқ кредит олишига кўмаклашилди.

Ўрганишлар натижасида секторга қарашли маҳаллалардаги 333 та оила камбағаллик даражасида эканни аниқланди. Улар билан доимий равиша иш олиб борилиб, юздан ортиқ оилани камбағаллик даражасидан чиқариш чоралари кўриляпти. 269 нафар киши ишга жойлаштирилди. 30 нафардан ортиқ киши тадбиркорлик билан шуғулланыш учун йўналтирилди. Уларга кредит олиш, ер ахратиш, айримларига томорқасида иссиқхона куриш каби ишларда ёрдам берилди.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўнгланиши, муаммоларнинг камайиши жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик сонининг пасайишига ҳам ижобий таъсир этиди. Умумий жиноятчилик қарийб 20 фоизга камайишига эришилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ховосдаги улкан ўзгаришлар кишини келажакка ишонч кўзи билан қарашга ундаётир.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти.



БУ – ҚИЗИҚ

Чехиянинг Прага шаҳрида дунёдаги энг тор кўчаларнинг бири мавжуд. Кўчанинг эни 70 см. бўлиб, ундан фақатгина бир киши ҳаракатлана олади. Одамлар бир-бiri билан тўқнаш келиб қолмасликлари учун кўчанинг боши ва охирига светофор ўрнатилган.



«САХОВАТ ВА КҮМАК»

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА

Мұхтожларға ёрдам бериш, қийналғанларға күмак-лашиб халқымизнинг азалий анъаналаридан биридир. Бутун дунёни таҳликаға солиб, мамлакатлар иқтисодиётини издан чиқараётган, күплаб инсонлар ўлимига сабаб бўлаётган ҳозирги коронавирус пандемияси шароитида эса бу ўлмас қадрият юртимизда янада кенг қулоч ёзмоқда, десак, янгилишмаган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пандемия шароитида ижтимоий кўмакка муҳтож оиласларга ёрдам бериш ҳамда ишсизликнинг олдини олиши мақсадиди йўлга қўйилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳарқатида ички ишлар органларининг ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жойларда З-секторлар томонидан ишчи гурухлар тузилиб, биринчи галда худудлардаги оиласларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилди. Натижада ижтимоий кўмакка муҳтож ва кам таъминланган оиласлар аниқланиб, ишсиз юрганлар, меҳнатга лаёқатли ёшлар ва аёллар рўйхати шакллантирилди. Ўрганишлар жараённада қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли томорқаларининг аҳволи ҳам инобатга олинди.

Таъкидлаш жоизки, ўрганишлар натижасида З-секторлар ҳудудида

78 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, пандемия оқибатида даромадини йўқотган, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва якка-ёлғиз яшовчи оиласлар ва уларда истиқомат қуловчи 332 минг



нафардан ортиқ киши борлиги мавлум бўлди.

Шу сабабли, фуқароларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласларнинг беш мингга яқин меҳнатга лаёқатли аъзолари ички ишлар органлари ходимларининг сайди-ҳарқати билан ишга жойлаштирилди. Бунда маҳаллий ҳоқимлар, банд-

лик идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди.

Кам таъминланган оиласларга озиқ-овқат маҳсулотларини манзилли равишда етказиб бериш, ёрдамга муҳтож оиласларни қўллаб-кувватлаш учун барча З-секторларда «темир дафтар» юритилиб, оиласларга «хона-дон дафтар» тарқатилди.


Умуман олганда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳарқати доирасида жойлардаги З-секторларда шу кунга қадар 8043 та оиласга 4 миллиард 270 миллион сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Ушбу мoddий ёрдамлар озиқ-овқат, дори-дармон ва чорва молларини тарқатиш, нақд пул бериш, коммунал тўловларни тўлаб

бериш каби кўринишларда амалга оширилди.

Айни пайтда жойларда бандликка кўмаклашиш марказлари ёрдамида аҳолига кредит олиб тадбиркорликни йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш учун томорқада иссиқхоналар ташкил этиш, чорва моллари боқиши, паррандачилик ва қўёнчилик билан шугууланиш учун субсидиялар берилмоқда. Бу жараёнда, айниса, ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор берилляпти. Масалан, Жizzax вилоятининг Шароф Рашидов туманида ташкил этилган «Олмачи шунқорлари» ишлаб қириш кооперативида қаровис ётган 17,5 гектар ер экин майдонларига айлантирилиб, 55 нафар ёшга ажратиб берилди. Айни пайтда ёшлар ўзларига берилган экин майдонларида сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштиряпти. Улар минерал ўғит, зарур техника воситалари билан ҳам таъминланган. Олинган ҳосил кооперативни ташкил этган тадбиркор томонидан бозор нархида сотиб олинади.

Келгусида ижтимоий кўмакка муҳтож оиласларни қўллаб-кувватлаш, фуқароларни иш билан таъминлаш йўйнишидаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

Зеро, ижтимоий профилактика пандемия шароитида ҳуқукбузарларлик профилактикаси самарадорларигини таъминлашда фоят муҳим омилдир.



Ҳозирча натижалар ёмон эмас.

Чиқиши айни ҳақиқатдир. Турмушини тотли, ҳаётини фаровон қиласман, деган ҳар бир ёш бу ҳақиқатини ҳамиса ёдда тутгани лозим, деб ўйлайман.

Лола САЙДАЛИЕВА,
Гулистон тумани ИИБ ҲПБ
катта инспектори,
катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Дунёда бизнинг мамлакатдагидек ёшларга алоҳида эътибор қарататиётган юрт бўлмаса керак. Жаннатманд диёримизда ўқиб-ўрганиш, ижод қилиш, меҳнат қилиш ва ўз иқтидорини намоён қилиш учун барча имкониятлар яратилган. Олдимизда турган вазифа эса битта: яъни, шу азиз Ватанга муносаб бўлиш.

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Президентимизнинг навқирон авлод вакилларига йўллаган табрик сўзлари биз ёшларни янада фаол бўлишга, ҳеч кимдан кам эмаслигизини намоён этишга катта куч бағишилади. Хусусан, «Бугунги кунда замонавий илм-фан ва юкори технологияларни мукаммал эгалаш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қуловчи шартига айланиси бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳақиқатини чуқур англаган ҳолда, биз навқирон авлодимизнинг ҳам жисмо-

ний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз», деган турмушнонга сўзлари ҳар бир ўшиннинг вужудини фурур ва ифтихорга тўйлдириб, десак муболага бўлмайди.

Мен ҳам шу бетакрор юртнинг фарзанди эканлигидан ҳамиша фахрланаман. Сирдарё вилояти Гулистон тумани ИИБ ҲПБ катта инспектори вазифасида хизмат қилиш билан бирга, бўш вақтларимда ёшларга берилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳарқат қила-

ДОРОГА ОШИБОК НЕ ПРОЩАЕТ

ДТП в Касансае: причины и следствия

Каковы причины возникновения дорожно-транспортных происшествий? Их много, они разные, но основная – несоблюдение ПДД.

Некоторые думают, что правила существуют для того, чтобы выписывать водителям штрафы и тем самым пополнять государственную казну. Им трудно понять простую истину: правила дисциплинируют участников дорожного движения, заставляют их чувствовать повышенную ответственность за себя, других людей, их здоровье, а порой и жизнь.

Соблюдая ПДД, мы вносим личный вклад в обеспечение безопасного передвижения по дорогам. Но люди часто намеренно игнорируют установленные нормы: дескать, ничего страшного в этом нет.

У водителей, попавшихся на нарушении скоростного режима, неизменно одно оправдание: в тот момент я спешил. Невольно напрашивается вопрос: куда и зачем? Неужели нарушитель не отдает себе отчет в том, что он подвергает опасности свою жизнь и жизнь других людей?

Эти и другие вопросы поднимались на встрече, где обсуждали случай, произошедший в Туракургане.

В первых числах июля, примерно в 17.00 часов дня на 15-м километре дороги Касансай–Туракурган было зафиксировано дорожно-транспортное происшествие. Житель Касанского района, не справившись с управлением, сбил пятиклассника, пересекавшего дорогу на велосипеде. Мальчик получил травму головы, был доставлен в больницу и помещен в реанимационное отделение.

Для обсуждения этого случая на территории, где случилось ДТП, было проведено профилактическое мероприятие с участием жителей района. Беседовали с людьми сотрудники УБДД УВД Наманганская области и ответственные представители Касанского РОВД. Они еще раз напомнили собравшимся о необходимости неукоснительно-



го соблюдения Правил дорожного движения.

Случившееся должно послужить наглядным примером для любителей нарушать Правила дорожного движения, заставить их серьезнее относиться к данному вопросу. Если бы водитель «Нексии» был более осторожным и внимательным, беды могло и не случиться. К тому же он не имел при себе документов на вождение данного транспортного средства. Получается, он двойной нарушитель.

Организаторы встречи напомнили взрослым, что нельзя оставлять детей без внимания, отпускать их кататься по большой дороге на велосипеде.

Данный случай стал очередным уроком для тех, кто игнорирует существующие правила.

Стражи правопорядка постоянно призывают всех участников дорожного движения быть ответственными на дорогах.

**Азиза ЖАНИЕВА,
корреспондент «На посту».
Наманганская область.**

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

ОДЕРЖИМЫЕ ЖАЖДОЙ НАЖИВЫ

Ежедневно новостные ленты правоохранительных органов доводят до граждан актуальную информацию, касающуюся тех или иных происшествий, имевших место в нашей жизни, о совершенных правонарушениях, преступлениях, о задержании лиц, причастных к ним. Данная информация, призывает к большей бдительности, к ответственности за происходящее вокруг нас.

При этом в потоке сообщений встречаются такие, которые не укладываются в рамки нормального сознания, их невозможно читать спокойно. Они поражают чудовищностью представленных фактов, вызывают справедливое возмущение, резонанс в общественном мнении.

* 3 июня 2020 года, примерно в 15.30, в г. Навои в ходе оперативного мероприятия, проведенного сотрудниками органов внутренних дел, недалеко от мечети, расположенной в центральной части города, была задержана жительница Пахтакоринского района Самаркандской области 22-летняя Н., пытавшаяся продать своего 23-дневного младенца за 3 миллиона сумов.

По данному факту следственной группой при ОВД №3 УКД ОВД г. Навои возбуждено уголовное дело по пункту «а» части 3 статьи 135 (торговля людьми) Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

* 23 июня, в 11.00, в г. Гулистане на автобусной остановке около Дворца бракосочетаний,



расположенного на улице Узбекистанской, сотрудниками отдела по борьбе с торговлей людьми и незаконной миграцией УВД Сырдарьинской области задержаны жительницы Сардобинского района Л. и М. при попытке продажи полуторамесячного ребенка за 18 тысяч долларов. Указанная сумма при понятых была изъята у женщин в качестве вещественного доказательства.

По предварительным данным, мать младенца, 34-летняя Л., некоторое время проживала у М., жаловалась ей на отсутствие собственной квартиры. М. предложила женщине продать ребенка и решить жилищный вопрос, при этом подчеркнула, что

«посодействует в поиске покупателя».

В отношении женщин возбуждено уголовное дело.

Истории с шокирующими фактами. Разум отказывается воспринимать их. Возможно, у кого-то даже проскользнет мысль: не выдержки ли это из криминального чтива? К огромному сожалению, это реальность...

Детально продуманные преступные схемы в данных случаях предотвращены правоохранителями. Однако не дают покоя вопросы: кто же эти женщины, в жажде алчности пытавшиеся содеять непоправимо страшное – продать человека? Кто эти «матери», готовые за деньги, эти безжизненные бумажки, отдать родное дитя? При любом раскладе ответ один – преступницы, совершившие вопиющее деяние, за которое несомненно ответят по всей строгости закона, существа, преступившие все мыслимые и немыслимые нравственные заповеди. Воистину, для них не только закон, но и людские правила, заложенное самой природой материнское чувство – не главное. Стремление к наживе сильнее...

В ходе допроса 34-летняя Л. рассказывала свою «душе-раздирающую» историю о несчастной и трудной жизни, о том, что сподвигло ее на столь, с ее слов, «нелегкое решение».

– Глубоко раскаиваюсь в содеянном, прошу простить меня за то, что пошла на этот шаг – продать родную кровинку, – слезно повторяла Л.

Но почему-то слова Л. кажутся нелогичными и абсурдными в контексте того, что буквально несколько часов назад для нее важнее родного сына, его здоровья, того, как сложится дальнейшая судьба малыша, было непременно заполучить оговоренную сумму «сделки» – эти самые злосчастные доллары. Истина, на наш взгляд, заключается именно в этом. Нет, не ты та женщина, пришедшая в мир с великой миссией и предназначением быть Матерью, трепетно любить и воспитывать свое дитя, радовать родительскому счастью. Мысли о деньгах, которые хотела заполучить за ребенка, пеленой окутали твой разум и совесть. Ты предала, продав словно ненужную вещь, того, кто нуждался в тепле твоих рук, для кого была самым близким человеком в этом огромном мире. Как будешь жить дальше, осознавая, что ты сотворила? Впрочем...

Передо мной фотографии, на которых запечатлены задержанные, пытавшиеся продать детей. Пытаюсь разглядеть лица этих людей, но лиц людей не вижу...

**Радик ТУМПАРОВ,
корреспондент «На посту».**

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

ВИЖДОН АМРИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ...

Бундан 15 йил муқаддам Самарқанд шаҳридаги Талабалар хиёбонида бир неча йил олий таълим мусасасасига ўқишига кириш учун ҳужжат топшириб, омади келмаган ўсиприн қўлтиғига китоб қистириб олган талабаларга ҳавас билан боқарди. Севимли фанлари бўлган адабиёт, тарих ва она тили бўйича ўзидағи билимга ишонса-да, «қандай болалар ўқишига кирап экан-а», деган савол унга тинчлик бермасди.

Чўққинг интилган одам бир куни, албатта, уни забт этишига ишонган Олимжон, ниҳоят 2005 йилда ИИБ Академиясига ўқишига қабул қилинди. Таҳсил жараёнида ўқишига кириб олдим-ку, қабилидаги хотиржамликка берилимади. Дарсларни қунт ва иштиёқ билан ўзлаштириди. Бу, ўз навбатида, унинг Ўзбекистон тарихи фанидан республика миёсидаги фан олимпиадасида муваффакиятли қатнашишига асос бўлди.

Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Сартовул қишлоғида туғилиб ўсган Олимжон Жўраев ИИБ Академиясини тамомлаганидан сўнг Пайариқ тумани ИИБ «Хартанг» кўрғон милиция бўлинмаси ЖҚ ва УЖҚҚГ тезкор вакили лавозимида хизмат фаолиятни бошлиди. Кейинчалик пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚГ тезкор вакили, катта тезкор вакили лавозимларида самарали фаолият юритди.

Олимжон Жўраев хизматни бошлиган дастлабки йилларда ёк жиноятчиликнинг олдини олиш ва фош этишда кўрсаттан жонбозлиги туфайли ҳамкаслари ҳурматига сазовор бўлди. Мана бир мисол: Пайариқ туманинг Ҳалқобод қишлоғида яшовчи фуқаро уйда ноқонуний тарзда овқорони сақлаб келаётгани ҳақида

конунчиликка хилоф эканлигини, жиноятни хатти-ҳаракатга жазо муқаррарлигини, агар куролни топширса, бир қанча енгилликлар берилишини ётиғи билан тушунтириди. Ёш осойишталик посбонининг айтган гаплари, келтирган ҳаётига мисоллари бесамар кетмади. Фуқаро тўғри қарор қабул қилди: уйда сақлаб келаётган бир эмас, иккита ов қуролини ички ишлар органига топшириди.

Ҳар бир ходимнинг касбий маҳорати ошишида, кўлга киритажак ютуқларида устоз-мураббийларнинг меҳнати акс этади. Бугунги кунда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ИИОФМБ 2-ИИБ бошлигининг ўринбосари лавозимида хизмат қилаётган подполковник Олимжон Жўраев ҳам устозлари – истеъфодаги подполковник Асад Жўраев ҳамда Чилонзор тумани ИИОФМБ бошлигининг биринчи

ўринбосари, подполковник Равшан Қодировдан касб сир-асорларини ўрганди. Жиноятларни фош этишида қалаванинг учини йўқотиб кўйган вақтларида уларнинг маслаҳати ва йўл-йўриклигига таяниб иш кўрди.

Шу йилнинг 27 январь куни 2-сонли ИИБ навбатчилик



Фуқаро ишни енгиллаштиришни сўраб, 10 000 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилди.

қисмига келиб тушган хабарга кўра, бир фуқаро гиёхвандлик моддасини сақлашда гумон қилиниб, Олимжон Жўраев раҳбарлигига жиноят қидирив хизмати ходимлари томонидан кўлга олинди. Бу ҳақда қаҳрамонимиз шундай дейди:

– Холислар иштироқида гумонланувчи фуқаро А.Э.нинг ёнини кўздан кечирганимизда, тўқ кўрангли, ўтири ҳиди мода борлиги аниқланди. Кейинчалик бу марихуана гиёхвандлик моддаси эканлиги маълум бўлди. Ҳолат юзасидан терловга қадар текширув ҳужжатларини расмийлаштираётганимда, фуқаро ишни енгиллаштиришни сўраб, 10 000 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф қилди. Мен унга пора бериш ҳам, олиш ҳам жиноят эканлигини

айтдим. Такороран пора таклиф қилгач, мазкур ҳолат юзасидан раҳбариятга билдириг билин мурожаат этдим. Шундан кейин у маҳсус тезкор таддир пайтида 10 000 доллар миқдоридаги пуни менга берадиган вакъта ашёвий далил билан кўлга олинди...

Ҳалоллик ва қасбга садоқатнинг юксак намунасини кўрсатиб, ҳамкасларига ўрнак бўлган Олимжон Жўраев муддатидан олдин «подполковник» маҳсус унвони ва пул мукофоти берилди.

Ҳамкасларининг эътироф этишича, бадиий адабиётлар, айниқса, тарихий асарларни мутолаа қилишни севадиган қаҳрамонимиз ҳар ой машинасида битта бадиий китоб ҳарид қилишни анъанага айлантирган экан.

– Китоб ўқишининг фойдасини белгиловчи меъёр бўлмаса керак, – дейди подполковник О.Жўраев.
– Айниқса, ҳукуқбузарлик содир этишига мойил шахслар, жазони ижро этиш мусасасидаги маҳкумлар ҳаётининг яхши томонга ўзгаришида китоб энг қуай тарбия воситаси, деб ўйлайман. Ички ишлар орнлари ходимларининг билим савиасини юксалитири, улар ўтасида маънавий мухитиня яхшилаш, соглом рақобатнинг шаклланишида ҳам китоб беминнат кўмакчидир.

Инсон илк таълим-тарбияни оиласда олади. Отаси Толибжон aka вонаси Назокат опадан хаётда виждан амрига қулоқ тутиб, ҳалол яшаш сабогини олган Олимжон бугун ўз оиласида ҳам ана шундай тарбиявий мухитни ўйлга кўйган.

Подполковник Олимжон Жўраев сингари осойишталик посбонлари бор экан, ички ишлар органлари ходимлари деганда, юртошларимиз кўз олида доимо инсонларга яхшилик истовчи, ҳалқимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатга нисбатан мурасасиз кураш олиб борадиган мард, фидойи ва ҳалол инсонлар намоён бўлаверади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.**

ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).


Жорий йилнинг 3 июль кунидан 4 июляга ўтар кечаси тунги хизматга жалб этилган

Б.Дусматов ИИБ навбатчилик қисмига У.Юсупов кўчасида яшовчи фуқаролардан тушган хабарни аниқлаш мақсадида воқеа жойига боради. Ҳам-

каслари билан ҳодиса жойига етиб келган Бекзод каналда оқиб кетаётган кимсани кутқариш мақсадида ўзини сувга отади ва уни ташқарига олиб чиқади. Воқеа жойига етиб келган тез тиббий ёрдам ходимлари фуқарога ёрдам кўрсатишиди.

Маълум бўлишича, ушбу фуқаро қариндошларининг мәхмонга келган, 1995 йилда туғилган А.Ж. спиртли ичимлик истеъмол килиб, кўл юваман дей каналга тушиб кетган.

**Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.**



ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жабхада тўлақонли иштирок этишига эришиш, аёллар ўртасида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Намангандаги вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича бўлимни ходимларига тегишили ташкилотлар билан бирга қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир хотин-қизга ҳуқуқий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси белгиланган. Айни пайтда мазкур бўлим томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Намангандаги вилояти худудида истиқомат қилаётган 138800 нафар хотин-қиз билан профилактик сұхбатлар ўтказилиб, муаммолари аниқланганда, имкон қадар жойида амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жорий йилда хотин-қизлар масалалари бўйича 300 дан ортиқ муаммо аниқланниб, барчasi ўзининг ижобий ечимини топди. Ахримгача келиб қолган ва нотинч оиласлар маҳалла фуқаролар

йигинлари қошидаги яраштириш комиссияси аъзолари иштирокида муҳокама этилиб, оиласи сақлаб қолиш чоралари кўрилмоқда. Ўтказилган ўрганишлар давомида 151 та ажralish арафасида турган оиладан 89 таси яраштирилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 14 маротаба «Мехнат ярмаркаси» ўтказилди. Унда 2500 мингдан ортиқ хотин-қиз, жумладан, маҳсус ҳисобдан чиқарилган ҳамда оғир ижтимоий вазияти тураган аёллар ҳам иштирок этди. Ишлаш истагидаги 1842 нафар хотин-қизнинг иш билан бандлиги таъминланди. Хусусан, «Тўкувчи» МФЙда жойлашган «Арт софт текс»га 42 нафар, «Бунёдкор» МФЙдаги «Барака чеварлари» МЧЖга 70 нафар, «8-Март» МЧЖга 30 нафар аёл ишга жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, содир эти-

лаётган жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга ҳамда жиноятчиликка моянилиги бўлган айrim шахсларнинг оилавий аҳволини, турмуш тарзини алоҳида ўрганишга ҳаракат

...Чуст,
Учқўргон ва Но-
рин туманларидағи
жами 191 та маҳалла-
да жойлашган 107 минг
365 та хонадонга уйма-уй
кириб чиқилди, 3525 та му-
аммо аниқланиб, улардан
2403 таси бартараф
етилди.

И ж т и м о-
и й-м а ы н а в и й
вазият ва аҳо-
линиң яшаш ша-
роитини ўрганиш
давомида Чуст, Учқўргон
ва Норин туманларидағи жами
191 та маҳаллада жойлашган
107 минг 365 та хонадонга уйма-уй
кириб чиқилди, 3525 та муаммо
аниқланиб, улардан 2403 таси бар-
тараф этилди.

Ёш оиласлар бандлигини таъ-
минлаш мақсадида бугунги кунга
қадар З тумандаги жами 310 нафар
ёш оиласи сертификат асосида

74 гектар ер майдони ажратиб берилди. Бундан ташқари, Поп туманида фойдаланилмаётган 1200 гектар ер майдонида тайёрлаш ишлари олиб борилиб, хозирда 200 гектари ўзлаштирилди ва

200 нафар ёшга бериш белгиланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги билан биргалиқда Поп туманида 10 гектар ер майдонида иссиқхона ташкил этиш ишлари бошланниб, 100 нафар ёшга бериш режалаштирилди. Шунингдек, Чорток, Уйчи

ва Косоной туманларида ҳам фойдаланилмаётган майдонларида ер тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда. Хали олдинда режаларимиз бисёр. Бир ёқадан бош чиқариб, катта мақсадлар сари одимляпмиз.

Чўлпоной АБДУРАХМОНОВА,
вилоят ИИБ ҲПБ Хотин-қизлар
масалалари бўйича МТБ
инспектори, подполковник.

Намангандаги вилояти.

ИБРАТ

САБОҲАТДА ШИЖОАТ БОР

Бугун қайси соҳага қараманг, унда қалби меҳрға тўла аёлларимиз, шиҷоатли қизларимиз фидойилик билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Ана шундай фидойи хотин-қизлар орасида Хоразм вилояти ИИБ Ҳавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходими, сафдор Сабоҳат Султонованинг ҳаёти билан танишар эканмиз, унинг алоҳида иқтидор эгаси эканига амин бўлдик.

Хонқа туманида таъваллуд топган Сабоҳат 10 ёшидан спортнинг қаратे тури билан шуғуллано бошлидай. Унга 2-ДАН қорабелбог сохиби Баҳодир Сариров муррабийлик қилди. Тинимсиз машғулотлар, муросасиз беллашувлар Сабоҳатни жисмонан тоблади, маҳоратини ошириди. У аввал вилоят, сўнгра республика мусобақаларида иштирок этиб, рақибларидан кучли эканлигини исботлади. Шундан сўнг Сабоҳат халқаро мусобақалarda ҳам ўз омадини синаб кўрди. Кўлга киритилган ютуклар уни янада янги зафарлар сари унади. Натижалар сарҳисобига кўра, у 18 маротаба Ўзбекистон чемпиони, 4 карра халқаро турнирлар галиби, бир карра Осиё чемпиони деган шарафли номга муносиб

деб топилди.
2012 йил 1-ДАН қорабелбог сохибасига айланди. 2013 йили эса Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор



